

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб беришнинг  
ШАРТНОМАСИ

2022 йил «13» Январ

№ 14

Когон тумани

Низом асосида фаолият юритувчи Ўнгкирғок коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси,

(истеъмолчи номи)

, раҳбари Ф.Ф.Давронов бир томондан ҳамда Низом

(фаолият тури)

ва 2018 йил 01 март куни берилган 020146/Д-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи бухоро вилоят Ғўайла газ Гозимат ҳудудиги филиал. (кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб юритилади), иккинчи томондан, қуидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб а

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали талади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойихасига мувофик, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, газни хисоблаш приборлари (кейинги ўринларда хисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йил 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда **2022 йилда 6060** куб.м, 1 м.куб. газ нархи **660** сўмни ташкил килади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуидагича тақсимланади:

I квартал 6060 м. куб. январь 2272 м. куб., февраль 2273 м. куб., март 1515 м. куб..

II квартал \_\_\_\_\_ м.куб. апрель \_\_\_\_\_ м. куб., май \_\_\_\_\_ м. куб., июнь \_\_\_\_\_ м. куб.,

III квартал \_\_\_\_\_ м. куб. июль \_\_\_\_\_ м. куб., август \_\_\_\_\_ м. куб., сентябрь \_\_\_\_\_ м. куб.,

IV квартал \_\_\_\_\_ м. куб. октябрь \_\_\_\_\_ м. куб., ноябрь \_\_\_\_\_ м. куб., декабрь \_\_\_\_\_ м.куб

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун магистрал ва газ тақсимоти тармоқларининг ишлашидан издан чиқсан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20\_\_\_\_ йилда зарур бўлган табиий газнинг минимал ҳажми \_\_\_\_\_ минг куб метрни, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуидагини ташкил килади:

I квартал \_\_\_\_\_ м. куб. январь \_\_\_\_\_ м. куб., февраль \_\_\_\_\_ м. куб., март \_\_\_\_\_ м. куб.,

II квартал \_\_\_\_\_ м.куб. апрель \_\_\_\_\_ м. куб., май \_\_\_\_\_ м. куб., июнь \_\_\_\_\_ м. куб.,

III квартал \_\_\_\_\_ м. куб. июль \_\_\_\_\_ м. куб., август \_\_\_\_\_ м. куб., сентябрь \_\_\_\_\_ м. куб.,

IV квартал \_\_\_\_\_ м. куб. октябрь \_\_\_\_\_ м. куб., ноябрь \_\_\_\_\_ м. куб., декабрь \_\_\_\_\_ м.куб.,

1.5. Шартнома умумий суммаси **3 999 600** (Уч миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг олти юз ) сўмни ташкил килади.

Жумладан: бюджет маблағлари хисобидан **3 999 600** (Уч миллион тўққиз юз тўқсон тўққиз минг олти юз ) сўмни ташкил килади.

Бюджетдан ташкари маблаглари хисобидан \_\_\_\_\_ сүмни, 1.6. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртманомани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бир хил миқдорда тақсимланади.

1.7. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳакида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай холатлар ортикча олинган миқдор деб хисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу Шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда етказиб берилади.

2.2. Етказиб берувчи Истеъмолчига 1.4-бандда кўрсатилган ҳажмда газ етказиб беради.

2.3. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.3 ва 1.4-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичida газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар оркали билан хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон ракамлари:

Истеъмолчи манзили ва телефон раками:

2.5. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш кискартирилишига кадар камида 24 соат аввал бу ҳакида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария холатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор килингандан кейин газ етказиб бериш дархол кискартирилади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилган тақдирда, Етказиб берувчи газ етказиб беришни чеклаши мумкин, Истеъмолчи эса захира ёқилғи туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашибни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истеъмолчи захира ёқилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ захира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоклари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар хисобланади.

2.10. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция килиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган холларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармокларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.11. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов реквизитлари ўзгарган холатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳакида хабардор қилиши шарт.

2.12. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимиининг ягона узлуксиз технологик жараёнини хисобга олиб, табиий газ ишлаб чиқарувчи «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш истеъмолчилар учун мажбурий хисобланади.

## III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни хисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоклари бўлиниши чегарасида ўрнатилган хисоблан приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

аз тармоғи бўлиниши чегараси Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси хисобланади ва унда хисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

Етказиб берилган газ учун хисоб-китоб газ ҳажмини стандарт шартларига кўра (ДСТ 5542-87 ва ДСТ 2939-63 1.1-бандига асосан) куб метрга, яъни  $T = 20^{\circ}\text{C}$ ,  $P = 760$  мм симоб устунига келтирилган ҳолда амалга оширилади.

Истеъмолчи томонидан газни тижорий ҳисобга олиш учун мўлжалланган торайтирувчи қурилмага эга ўлчов комплекси фойдаланилган тақдирда, Етказиб берувчи ва Бюро билан ҳамкорликда газни ёзги ва қишки мавсумларда истеъмол қилиш ҳажмидан келиб чикиб, торайтирувчи ускуналарни ўз вактида алмаштириш ва ўлчов комплекси ишини «Ўзстандарт» агентлиги талабларига мувофиқлаштириш таъминланиши лозим.

3.3. Газни сарфланишини хисоблашда қуйидаги кўрсаткичлар инобатга олинади:

а) манометрлар ва термометрлар созлиги, уларнинг давлат текширувни амал қилиш муддати;

б) ГТШни юргизиш (тартибга солиш) муддати, шунингдек ҳақиқий ишчи босимнинг ГТШни тартибга солиш далолатномасида қайд этилган кўрсаткичларга мувофиқлиги.

Қайд этилган кўрсаткичларга риоя этилмагандан  $P_{\text{ортиқча}} = 1,0 \text{ кгс/см}^2$  коэффициенти кўлланади

Етказиб берувчи Истеъмолчи билан биргаликда хисоблаш приборига, унинг сифат лабораторияси томонидан тақдим этиладиган газ таркиби бўйича тузатувчи ўзгартиришларни 12 соатдан кечиктирмасдан киритиши керак. Газ таркиби бўйича кўрсаткичларнинг ўз вактида ва ҳакқоний киритилиши учун жавобгарлик Истеъмолчи зиммасида бўлади.

3.4. Газ сарфини хисоблаш прибори ҳажмини ўлчаш диапазони ўрнатилган газдан фойдаланиш ускуналари кувватига мувофик бўлиши лозим. Агар табиий газ ҳисобга олиш қурилмаларининг техник тавсифида кўрсатилган ҳажмдан кам сарфланса, газ ҳажми ва сарфини ҳисобга олиш техник тавсифнинг пастки чегараси бўйча қабул қилинади. Бунда Истеъмолчи 15 кун мобайнида газ ҳажми бўйича унинг газ ускунасига тўғри келадиган бошка газни хисоблаш приборини ўрнатишни ўз зиммасига олади.

Газни хисоблаш приборининг хатолиги приборнинг паспортида кўрсатилган хатолик чегарасига мос келиши лозим, бундай ҳолатларда газ сарфини ҳисобга олиш тизими ўзаро хисоб-китоблар учун ярокли хисобланади

Етказиб берувчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончлилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Етказиб берувчи «Ўзстандарт» агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни хисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга

Агар ўлчов комплекслари ва хисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса — Етказиб берувчи томонидан амалга оширилади.

3.6. Олинган газ учун хисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши хисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни хисоблаш приборисиз ёки уни четлаб ўтган ҳолда истеъмол қилиш;

б) газни хисоблаш приборини давлат қиёсловидан ўтказиш муддати тугаганда, бунда тегишли хисоб-китоб қиёслов муддати тугаган вактдан бошлаб у ўтказилгандан кейин газни хисоблаш приборини ўрнатиш вактигача бўлган даврда;

в) носозлик, тамға бутлиги бузилиши, хисоблаш прибори ўзбошимчалик билан ечиб олинганлиги аниқланган ҳолатларда;

г) газ кувурлари ёки ГТШларда, газни тақсимлаш тармокларини технологик иш режимини бузадиган қурилмаларни ўрнатиш.

3.7. Хисоблаш прибори ишдан чиққанида истеъмолчига етказилган газ ҳажми тамғаланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг энг юкори кувват билан ишлаб туришига нисбатан аниқланади, бироқ, мазкур шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида белгиланган талабларга риоя этилган тақдирда, бир чоракдан ортиқ бўлмаган муддатга кўлланади.

Хисоблаш прибори ишдан чиққанида, Истеъмолчи 24 соатдан кечиктирмасдан бу ҳақида Етказиб берувчига хабар бериши, шунингдек, корхонани ва газдан фойдаланувчи ускуна иш жадвалини тузиши ва ишдан чиққан газдан фойдаланувчи ускунани тамғалаб қўйиши шарт.

3.8. Хисоблаш приборларини ўрнатиш, фойдаланиш ва текшириш амалдаги меъёрлар ва коидаларга асосан ўтказилади.

- 3.9. Табиий газни ҳисоблаш учун фақат Ўзбекистон Республикаси ўлчов воситалари Давлат реестрига киритилган турдаги приборлардан фойдаланиш шарт.
- 3.10. Приборлар уларнинг фойдаланиш учун яроқли эканлигини тасдиқловчи хужжат, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган жойларда тегишли шаклдаги амал килувчи белгилар ва тамғаларга эга бўлиши шарт.
- 3.11. Ҳисоблаш приборларининг техник ҳолати, таъмирланиши ва ўз вактида давлат қиёсловидан ўтказилиши учун жавобгарлик ҳисоблаш прибори эгаси зиммасига юклатилади.
- 3.12. Ҳисоблаш приборларини қиёслови Давлат метрология хизмати органлари томонидан «Метрология тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси конунига мувофик амалга оширилади.
- 3.13. Ҳисоблаш приборларини қиёслов даврийлиги меъёрий-техник хужжатлар асосида белгиланади.
- 3.14. Ҳисоблаш приборига тамға ўрнатиш Бюронинг масъул ходимлари томонидан Етказиб берувчи вакиллари билан бирга далолатнома тузган ҳолда ҳамда Истөъмолчи иштирокида амалга оширилади.
- 3.15. Ҳисоблаш приборларининг, шу жумладан ўрнатилган тамгаларнинг сакланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик Истөъмолчига юклатилади.
- 3.16. Ҳисоблаш прибори ўрнатилгандан кейин, Етказиб берувчи томонидан рўйхатга олинади.
- 3.17. Ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи ва Бюро вакиллари томонидан Истөъмолчи иштирокида амалга оширилади.
- 3.18. Ҳисоблаш приборини алмаштириш учун ечиб олиш Истөъмолчининг аризаси асосида Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходими иштирокида амалга оширилади.
- 3.19. Ҳисоблаш приборини текшириув муддати тугаганилиги сабабли ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро ходимининг иштирокида текшириув муддати тугашидан камида бир кун аввал амалга оширилади.
- 3.20. Ҳисоблаш приборини созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш Етказиб берувчи вакиллари томонидан Бюро талаби билан Истөъмолчи иштирокида амалга оширилади.
- 3.21. Мазкур шартноманинг 3.17-бандида қайд этилган ҳолатларда ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш учун Истөъмолчи сертификатда кўрсатилган кундан бошлаб икки кун ичида буюртма бериши лозим.
- 3.22. Ушбу шартноманинг 3.17-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш приборини ўрнатиш Истөъмолчининг буюртмасига кўра икки кун ичида Етказиб берувчининг вакиллари томонидан амалга оширилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан бирга тамғаланади.
- 3.23. Ушбу шартноманинг 3.20-бандида кўрсатилган ҳолатлар бўйича ечиб олинган ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофик бўлса, мониторинг тугаганидан сўнг кечикитирмасдан, дарҳол Етказиб берувчининг вақиллари томонидан ўрнатилиб, сўнг Бюронинг масъул ходимлари билан биргаликда тамғаланади.
- Ҳисоблаш прибори белгиланган талабларга мувофик эмаслиги аниклangan тақдирда, мулкдор номувофиқликларни бартараф этишни таъминлаши шарт, шундан сўнг 3.21 ва 3.22 — бандларга мувофик ўрнатиш амалга оширилади.
- 3.24. Ҳисоблаш приборини мониторинг қилиш ёки текшириув натижаларидан норози бўлган Истөъмолчи, белгиланган тартибда юкори турувчи орган ёки судга мурожаат килиши мумкин.
- 3.25. Шартноманинг ҳар икки томони белгиланган конунчиликка мувофик, Бюронинг ваколатли ходимига сутканинг исталган вактида ҳисоблаш приборларини монеликсиз кўздан кечириш учун кириш имкониятини таъминлаши шарт.
- 3.26. Бюро ходимини ҳисоблаш приборларига кўймаслик ҳолати далолатнома бўлган расмийлаштирилади. Истөъмолчи мазкур далолатнома билан танишиши лозим. Истөъмолчи далолатномани имзолашни рад этган ҳолатда, далолатномада бу ҳақда қайд этилади. Рад этиш ҳолати икки гувоҳ ёки фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органи вакили томонидан тасдиқланиши керак. Истөъмолчи далолатномани имзолашни рад этиш сабабини баён килиш ҳуқуқига эга, бу ҳақида далолатномага қайд этилади.
- Далолатномага имзо кўйишни рад этиш Истөъмолчини газ тармоғидан узиб кўйиш учун асос бўлади ва бу ҳақида огоҳлантирилиши шарт.

#### IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувоғик белгиланади. Навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари бўйича табиий газ етказиб бериш тўғрисидаги шартнома ўзгартирилишидан олдин истеъмолчи газ таъминоти ташкилотига бу ҳақида ўн кундан кечикмай хабар берган тақдирда, бундай ҳолатлар ортиқча олинган микдор деб ҳисобланмайди.

4.3. Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин Етказиб берувчи ҳисоб ракамига ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 100 фоиз суммасини олдиндан тўлайди;

4.4. Истеъмолчига газ олдиндан тўловсиз етказиб берилмайди.

4.5. Олдиндан тўлов амалга оширилмаган тақдирда, Истеъмолчига газ етказиб берилмайди (стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчилар бундан мустасно).

4.6. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига кадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.7. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 30 кун мобайнida олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.8. Табиий газдан фойдаланишда истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.9. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, истеъмолчидан шартномадаги ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ кийматига нисбатан 2 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

4.10. Табиий газ учун истеъмолчининг тўлов муддати ўтган карзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари истеъмолчини хабардор килган холда, тўлов муддати ўтган карзни тўлашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.11. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вактида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорида, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган микдорда пеня тўлайди.

4.12. Ҳисоб-китоб ойида етказиб берилган табиий газ ҳажми Бюро вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГҲНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб киладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар биллинг тизимиға киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларига киритиш орқали аникланади.

4.13. Шартноманинг 4.12-бандига асосан кўрсаткич ечиб олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига кадар Етказиб берувчи томонидан ҳисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш-кабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.14. Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоблаш ҳакконийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида Газни етказиб бериш-кабул қилиш далолатномаси Иsteъmolчида қуйидаги техник хужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

а) автоматик тарзда тўғриланадиган газни ҳисоблаш приборидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;

б) Етказиб берувчи томонидан белгиланган тартибда ҳисобланган, Иsteъmolчи газ тармоқлари ва ГТШдаги технологик йўқотишларнинг ҳисобланган ҳажми кўрсатилган холда расмийлаштирилган далолатнома.

4.15. Кўрсаткичлар олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5-кунига қадар Етказиб берувчи томонидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси ва счет-фактура расмийлаштирилади.

4.16. Истеъмолчи ойнинг 7 кунидан кечиктирмасдан Етказиб берувчидан хисоб-китоб ойи учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва счет-фактурани қабул қилиб олади ва имзолайди хамда бир нусхасини Етказиб берувчига жўнатади.

4.17. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътиrozлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод килмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аникландан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан хисоб-китоб қилиш ойи тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Бюро вакилига тақдим қиласди. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чикилиши керак.

4.18. Истеъмолчидан дебитор карзларни ундириш Бюро тузилмаси томонидан конунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.19. Газ узиб қўйилганидан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, истеъмол қилинган газ ҳажми ва унинг қиймати газ узиб қўйилган кундан бошлаб, уланган газдан фойдаланиш ускунасининг бир суткада 24 соат ичидаги тўлиқ қувват билан ишлаб туриши хисобидан аникланади.

4.20. Газ учун амалдаги тарифлар (нархлар) ўзгарган ҳолатда, Етказиб берувчи бу ҳакидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қиласди. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур Шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у конунда белгиланган тартибда кучга қирганидан сўнг амалга оширилади.

## V. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан 3.6-бандда кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилиши, Бюронинг Етказиб берувчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланадиган ва уч нусхада тузиладиган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофик Истеъмолчидан, Етказиб берувчи ёки Бюро вакилининг сўнгги кўздан кечириш кунидан бошлаб, фойдаланган газ ҳажми қиймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундирилади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандига кўрсатилган ҳолатларда газ ҳажми қийматининг ундирилиши Истеъмолчини конунчиликда белгиланган жавобгарликдан озод килмайди.

## VI. ТАРМОҚДАН УЗИБ ҚЎЙИШ ВА ҚАЙТА УЛАНИШ ТАРТИБИ

6.1. Истеъмолчи газ тармокларидан қўйидаги ҳолатларда узиб қўйилади:

шартномавий мажбуриятлар бажарилмагандан;

фойдаланилган газ учун хисоб-китоб ўз вактида амалга оширилмаганлиги натижасида карздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро кўрсатмалари бажарилмаганда, шу жумладан унинг вакиллари хисоблаш приборларидан кўрсаткични олишга қўйилмаганда;

хисоблаш приборларига касдан зарар етказилганда, прибор кўрсатгичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлashinga тўсқинлик қилувчи хатти-харакатлар амалга оширилган ҳолатларда;

газни талон-тарож қилиш, газ тармокларига ноконуний уланиш ёки бошқа газдан фойдаланиш коидаларини бузиш ҳолатлари аникланганда.

6.2. Тармоқка қайта уланишда Истеъмолчидан энг кам иш ҳакининг ўн баравари миқдорида ҳак ундирилади.

6.3. Газ истеъмолини хисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларига уланган газ тармокларига истеъмолчиларни масофадан қайта улаш учун ҳак ундирилмайди.

## VII. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

### 7.1. Етказиб берувчи қуидагиларга мажбур:

ўзига қарашли бўлган газ тармоқларини соз ҳолатда саклаш ва уларни ўз хисобидан таъмиглаштиклаш;

ўз газ тармоқларининг техник ҳолатини ва уларда рухсатсиз уланишларни аниқлаш учун даврий кўздан кечириш;

табиийгаз етказиб бериш қисқарган ёки тўхтаган тақдирда бу тўғрида истеъмолчиларни хабардор килиш;

табиийгазнинг рухсатсиз истеъмол қилинганилиги, газ тармоқлари моддий бойликларининг талон-тарож қилинганилиги тўғрисида Бюро ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор килиш;

Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасида келишилган шартлар асосида газ етказиб бериш;

истеъмолчиларгай ўрикномалар бериш ва хонада ўрнатилган газ приборларидан хавфсиз фойдаланиш масалалари бўйича эслатмани топшириш;

Бюро ва ваколатли давлат органларининг мажбурий кўрсатмаларини бажариш;

Истеъмолчиларнинг ички газ тармоқлари, газдан фойдаланувчи ускуналарини техник тафтишдан ўтказиш ва уларга профилактика хизмати кўрсатиш;

истеъмолчиларнитехник хизмат кўрсатиш (тафтиш ўтказиш) саналари хакида турар жойлар йўлакларида эълонлар ёки бошқа мавжуд усуллар орқали камидан уч сутка аввал огоҳлантириш;

газданфойдаланиш ускуналарини истеъмолчиларнинг ёзма ёки электрон буюртмалари асосида нархларни тартибга солиш органи томонидан тасдиқланган тарифлар бўйича қуидаги муддатларда таъмираш:

табиий газ сизиб чиқишида — дарҳол;

овқат тайёрлаш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига — бир кун давомида;

иссиқ сув ва иситиш учун мўлжалланган газдан фойдаланиш ускуналарининг носозлигига (иситиш мавсумидан ташқари вактда) — икки кун давомида;

газдан фойдаланиш ускуналарини алмаштиришда — беш кун давомида.

Етказиб берувчи конунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга хам эга бўлиши мумкин.

### 7.2. Етказиб берувчи қуидаги ҳуқукларга эга:

техник заруратга кўра, истеъмолчинибелгиланган тартибда хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни қисқартириш ёки тўхтатиш;

газ таъминоти тармоқларига рухсатсиз уланиш ҳолатлари аниқланганда уларни газ тармогидан узиб қўйиш;

Истеъмолчилардан табиий газдан фойдаланиш коидалари ва газни ётказиб бериш шартномаси талабларига риоя этишни талаб қилиш;

табиийгазни етказиб бериш шартномасини конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор килиш;

газтармоқларида авариянинг олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати юзага келганда, истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огоҳлантирмасдан ҳамда зудлик билан хабардор килган ҳолда, табиий газни етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш;

ушбу шартноманинг 3.6-бандида назарда тутилган ҳолатларда, аниқланган коидабузарликлар бартараф этилгунига кадар аввалдан огоҳлантирмаган ҳолда газ етказиб беришни тўхтатиш.

### 7.3. Истеъмолчи қуидагиларга мажбур:

газдан оқилона ва самарали фойдаланиш;

газ хўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техник жихатдан соз ҳолатда саклаш;

газ тармокларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табий газ сизи чикиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;

ўзининг газ тармоклари дахлсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган рухсатсиз уланишларни аниқлаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунтазам равишда кўздан кечириб чикиш;

газ таъминоти ташкилотлари газ тармокларига сертификатланмаган, газлаштириш лойихасига (ЛТХ) мувофик бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймаслик;

Бюро ва газ таъминоти ташкилоти вакилларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вактида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;

Газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳукукига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;

табий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўскинлик қилувчи харакатларни амалга оширмаслик, уларнинг касддан бузилишига йўл қўймаслик ва ўрнатилган тамғаларнинг бутунлигини таъминлаш;

табий газистеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик аниқланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дархол хабардор қилиш.

#### 7.4. Истеъмолчи Етказиб берувчидан қуйидагиларни талаб қилиш ҳукукига эга:

етказиб берилган табий газнинг аниқланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, газ етказиб берувчининг табий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончлилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;

табийгазнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимига риоя қилган ҳолда узатилиши;

табийгазни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;

табий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофик бир томонлама бекор қилиш;

табий газни етказиб бериш тўхтатилганда, заарни коплашни талаб қилиш;

газ етказиб беришни вактинча тўхтатиши.

Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларидан белгиланган бошқа ҳукукларга эга бўлиши мумкин.

### VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Етказиб берувчи Иsteъmolчи газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган аник ~~зарар~~ ва бой берилган фойдасини белгиланган тартибда коплади.

Етказиб берувчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун қуйидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди:

а) истеъмолчи томонидан газ таъминоти тармокларига қўшимча газдан фойдаланиш ускунасини рухсатсиз улаш ҳолати аниқланганда;

б) захира ёқилғига ўтиш талблари бажарилмаганда;

в) фойдаланилган газ учун тўлов амалга оширилмаганда;

г) қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда.

8.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома мажбуриятларининг бажармаслиги натижасида Иsteъmolчи маддий зарар етказилганда, етказиб берувчининг мансабдор шахсига нисбатан энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорида жарима кўлланади.

8.3. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида жарима санкциялари кўлланилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

а) форс-мажор ҳолатлар;

б) магистрал ва газ тармокларида авария ҳолатлари;

в) киши даврида вактинча газ етказиб беришни чеклаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон ва 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон карорлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва

Гошкент шахри ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташкари);

г) қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг Истеъмолчи томонидан бажарилмаслиги.

8.4. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажми кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлашни талаб қилиш ҳукуқига эга. Агар, газ киймати тўланган бўлса, Истеъмолчи Етказиб берувчидан белгиланган тартибда тўланган суммани қайташини талаб қилиш ҳукуқига эга.

8.5. Етказиб берувчи томонидан шартномада қўрсатилган ҳажмлардан кам газ етказиб берилганда, Етказиб берувчи Истеъмолчига муддати ўтган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор етказиб берилмаган газ кийматининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

8.6. Шартномада қўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ ҳакиўз вактида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида, бирор муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

## IX. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

9.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда томонлар коидага кўра, уларни судгача ҳал этиш чораларини қўрадилар.

Келишмовчиликлар ва низоли масалаларни ҳал этиш учун тарафлар белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

9.2. Шартнома шартларини бир томонлама рад этиш ва бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунда белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## X. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

10.1. Томонлар:

а) табиий оғатлар;

б) магистрал газ қувурларида ва газ тармоқларида, газни кайта ишлаш корхоналари ва газ қазиб чиқариш жойларида кутилмаган авария вазиятлари юзага келганда жавобгарликка жалб этилмасдан, газ етказиб беришни тўхтатиши, қискартириши ёки қабул қилиш ҳукуқига эга.

10.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар кандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

10.3. Агар, қўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаralар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиласидилар.

## XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

11.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ғазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

11.3. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугагандан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисидаги талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили 2022 йил 31 декабрь санасига» амал қилишлари лозим.

11.4. Томонларнинг ушбу шартнома бўйича дъяволари дъяво қабул қилинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қўриб чиқилади.

Томонлар ўртасидаги ўзаро келишувга асосан ҳал этилмаган низолар жавобгарнинг жойлашган жойидаги Иктиносий суд томонидан ҳал килинади.

## XII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

- 12.1. Мазкур шартнома томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ёки шартнома қоидалари жиддий бузилган тақдирда, бир томонлама тартибда ёхуд суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
- 12.2. Ушбу шартнома томонларнинг хар бири учун икки нусхада тузилган, хар иккала нусха бир хил юридик кучга эга.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

**Етказиб берувчи:** "Buxoro viloyati bo'yicha gaz ta'minoti hududiy filiali".

**Почта манзили:** Бухоро шахар И.Каримов кучаси 19, боғланиш телефони: 221-24-29.

**тўловлар учун банкнинг хисоб рақами:** 226 340 004 051 139 605 20

**Банкнинг номи:** Узсаноаткурилишбанк ракат филиали, МФО 00435, СТИР: 306605769.

**Рахбар:** 

**Имзо:** 

Истеъмолчи : "Ункайроқ" коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси

(бюджет ташкилотлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг номи)

Почта манзили: Когон тумани Туткунда ҚФЙ

КТУТкоди: \_\_\_\_\_, ХХТУТ: \_\_\_\_\_, боғланиш телефони: 228-75-40

шҳ/р: 100010860062197042402170005

ИНН 205315413 Бухоро вилояти Фазначилик бошқармаси

Тўловлар учун банкнинг хисоб раками: 23402000300100001010

Банкнинг номи: МББХ ХКМ ФПМ: 22100 СТИР: 201122919

Рахбар: Ф.Ф.Давронов



Юрист маслаҳатини хуносаси: